



### **Савол:**

Чўчқа гўшти сотиладиган магазинда оддий фаррош бўлиб ишлаш жоизми?

### **Жавоб:**

Агар сиз айтган дўконда фақат гўшт сотиладиган бўлса, у ерда ишловчи одам гўштни қайсидир сабабга кўра ушлаш ва кўтаришга мажбур бўлса у ерда ишлаб бўлмайди. Аммо дўкон катта супермаркет бўлиб у ерда ҳар хил нарсалар сотилса, айтилган фаррош чўчқа гўштига яқин бўлмаса, уни ушламаса у ерда ишласа бўлаверади. Аммо чўчқа гўштини ушламасаю ароқ-виноларни, сигаретларни кўтариб юрса бу ундан қаттиқроқ гуноҳдир.